Фронтал проекция тегислигини алмаштириш учун эпюрнинг проеция тегислигида янги ОХ проекция уки олинади. Бунда янги олинган проекция

тегислиги хам худди V каби H проекция тегислигига перпендикуляр булади. Янги V тегисликда А нуктанинг проекцияси курилади.



Расм 5.1



Расм 5.2



Расм 5.3

Горизонтал проекция тегислигини алмаштиришда янги ук V тегислиги олинади, яъни проекция тегислигига V проекция перпендикуляр булади (Расм 5.2)

Проекция текисликлари алмаштириш усули билан умумий вазиятда берилган АВ кесманинг хакикий узунлигини куриш Расм 5.3 да келтирилган.

Баъзи холларда проекция текисликлари кетма-кет икки марта алмаштириш усули кулланилади. Расм5.4 да проекция текислигини икки марта алмаштириш усули курсатилган.



Расм 5.4

Умумий вазиятда жойлашган АВС нинг хакикий катталигини икки марта проекция текислигини алмаштириш усули билан куриш Расм-5.5 да курсатилган.

А1 В1 С1 / / Н1 булганлии учун Н1 булганлиги учун Н1 да хакикий катталик билан проекцияланади.



Расм 5.5

5.2. Айлантириш усули.

Айлантириш усулида берилган нукта ёки геометрик фигура проекция текисликлардан бирортасига перпендикуляр ёки параллел укатрофида айлантирилиб, зарур холатга келтирилади.

Оддий геометрик фигура - нуктанинг айлантириш усулидаги холатни куриб чикайлик (Расм 5.6)

Айланиш уки і V булсин, А ни і атрофида айлантирилиб А холатга келтирамиз ва А нуктадан ОХ га паралел чизик чизиб, А нуктадан ОХ га перпендикуляр чизик билан туташтиргунга кадар давом эттирамиз. Уларнинг нуктаси А нуктанинг айлангандан кейинги А нукта горизонтал проекцияси булади. Демак А нукта і ОХ айланиш уки атрофида а бурчакка айланди ва А нукта холатига келтирилди.



Расм 5.6

Шундай килиб, А нуктани проекция текислигига перпендикуляр ук атрофида айлантиришда бир проекцияси ук атрофида айланади, иккинчи проекцияси эса укга паралел холатга кучади.

АВ кесманинг хакикий катталигини проекция текисликлардан бирортасига перпендикуляр ук атрофида айлантириш усули билан куриш Расм 5.7 (а) ва (б) да курсатилган.

Айлантириш усули ёрдамида текис геометрик фигураларнинг хакикий катталикларини хам куриш мумкин. Бундай холатда текис геометрик фигурага тегишли горизонтал ёки фронтал чизиклар курилиб, айланиш уки сифатида шу чизиклар фойдаланилади.



Расм 5.7

5.3. Жипслаштириш усули.

Жипслаштириш усули айлантириш усуллари турига киради. Текислик излари оркали берилган холда шу текислик бирор изи атрофида проекйия текислиикларн билан жипслашгунга кадар айлантирилади.



Расм 5.8

Текислик ликнинг горизонтал изи (Р) атрофида айлантириш учун Р изида бирор нукта танлаб (1) атрофида ОХ билан кесишгунча кадар айлантирилади. Шу нуктанинг горизонтал проециясидан Р га перпендикуляр чизик чизилади ва 1 нуктанинг горизонтал проекцияси курилади. Бу хосил булган 10 нукта Р жипслашган изга тегишли булганлиги учун (Р 10) тугри чизик,яъни Pv0 изи курилади. (расм 5.8 б)

Текисликни фронтал изи (Pv) атрофида айлантириш учун Р изида бирорта нукта танланади (1) ва бу нукта Pv атрофида ОХ билан кесишгунга кадар айлантирилади. 1 дан Р га перпендикуляр билан 1 дан ОХ га перпендикулярнинг кесишган нуктаси Р га тегишли булганлиги учун (Рх 10) тугри чизик, яъни Рх изи курилади.(Расм 5.8 б)

Текисликка тегишли булган нукталарнинг жипслаштириш усули билан курилган проекциялари А нукта учун Расм 5.8 (а) да В нукта учун 5.8 (б) да келтирилган.

5.4. Текис паралел кучириш усули.

Текис параллел кучириш усулида геометрик фигура проекция укига нисбатан параллел холатда кучирилиб кейинги проекцияси курилади.

Тугри чизик кесмаси Авнинг хакикий катталигини куришда А В = А В олиниб, А В / / ОХ, жойлаштирилади ва А В проекцияси курилади. А В / / Н булганлиги учун АВ= А В булади.



Расм 5.9

Шунингдек масалаларни ечишда бир эпюрнинг узида бир неча усуллар хам кулланиши мумкин.

Уз-узини текшириш учун саволлар:

1. Эпюрни кайта куриш усуллари асосий фарклари нимадан иборат ?

2. Проекциялар текислигини алмаштириш усулининг максади нима ?

3. Айлантириш усулининг мазмуни нимадан иборат ?

4. Нуктани айлантириш текислиги кандай булади ва у айланиш укига нисбатан кандай жойлашади ?

5. Нуктани айлагтириш маркази проекциялар текислигига нисбатан кандай жойлашиши мумкин ?

6. Нуктани айланиш радиуси нима ?

7. Нуктанинг проекцияси кандай кучирилади ?

8. Тугри чизик кесмасининг кайси проекцияси текис параллел усулига уз кийматини узгартирмайди ?

6-Мавзу: КУПЁКЛИЛАР.

Режа:

6.1 Умумий тушунчалар.

6.2 Купёклиларни ортоганал проекциялари ва улар сиртида нукта танлаш.

6.3 Купёклиларнинг текислик билан кесишиши.

6.4 Купёклиларни тугри чизик билан кесишиши.

Адабиётлар: /1,2,3,4,5,6, 10, 11,12/.

Асосий тушунчалар: *купёк, уч, ёк, кирра, купбурчак, асос, жипслаштириш, кесишув нукталари, тегишлилик, сирт, куриниш-куринмаслик,текис сирт.*

6.1. Умумий тушунчалар.

Хар кандай деталл атрофида алохида геометрик жисмларнинг йигиндисидан ташкил топади. Шунинг учун деталлни бирор проекция текислигига проекциясини куриш учун шу детални ташкил этган геометрик жисмлар тугрисида тулик тасаввурга эга булиш зарур ва бу геометрик жисмларнинг жойлашувига караб уларнинг проекцияларини, улар сиртларига тегишли нукта, тугри чизик каби элементларнинг жойлашувини куриш керак булади.

Текис купбурчаклар билан чегараланган жисм купеклилар дейилади. Бу купбурчаклар еклар дейилади, купбурчакларнинг кесишувчи чизиги эса кирралари дейилади. Кирраларнинг узаро кесишув нуктаси купбурчакнинг учи дейилади (Расм 6.1)

Купекларга пирамида, призма, тетраэдр, гексаэдр, (куб), октаэдр, додекаэдр, икосаэдр каби геометрик фигуралар киради.



Расм 6.1

6.2. Купёклиларнинг ортогонал проекциялари ва улар сиртида нукта танлаш.

Олтибурчак тугри призманинг проекцияларни куриб чикайлик. Призманинг асоси мунтазам олти бурчак горизонтал проекцияда ва хар бир учидан богланиш чизиги утказилиб шу асоснинг фронтал проекцияси курилади. Кейинчалик призма кирраларини вертикал чизиклар буйича чизиб, унинг горизонтал ва фронтал проекциялари асосида унинг профил проекцияси курилади (Расм 6.2,а)



Расм 6.2

Огма призманинг проекцияларни куриш тугри призма проекцияларни куришга нисбатан мураккаброк, чунки еклар Н текислигига нисбатан хар хил холатларда жойлашган булади.

Асоси Н текислигида жойлашган кирралари эса огма холда Н тегислиги билан бурчак хосил киладиган олтибурчакли огма призманинг проекцияси (Расм 6.2,б) да курсатилган.

Асоси Н тегислиги билан бурчак ва кирраси Н теислиги билан бурчак хосил килувчи олтибурчакли призманинг проекцияси Расм 6.2,в да курсатилган.

Турт бурчакли тугри призма проекциялари ва унинг сиртига тегишли А нуктанинг фронтал проекцияси А берилган (Расм 6.3,а). Унинг етишмаган проекциясини куриш учун шу А нуктанинг тегишли булган екни билаш керак. А нукта ёкка тегишли булганлиги учун унинг етишмаган горизонтал 1 2 6 5 ёкда ва профил проекциясини 1,2,6,5 ёкда курамиз. Туртбурчакли призма ва унинг сиртига тегишли А нуктанинг фазовий тасвири расм 6.3,д да курсатилган.

Учбурчакли ва туртбурчакли пирамидаларнинг проекцияларни куриш ва улар сиртига тегишли нукталарнинг етишмаган проекцияларни куриш (расм 6.4 а) ва б ларда келтирилган.

Туртбурчакли пирамида ва улар сиртига тегишли булган нукталарнинг фазовий тасвири Расм 6.4 в да курсатилган.



Расм 6.3.

6.3. Купёкларнинг текислик билан кесишуви.

Олтибурчакли тугри пирамиданинг фронтал проекцияловчи Р текислиги билан кесишуви расм 6.4 да курсатилган. Кесишув кесим юзасининг фронтал проекцияси теисликнинг Р изи билан мос тушади.

Кесим юзасининг горизонтал ва профил проекцияларини пирамида кирралари билан Р тегислигининг кесишув нукталари топиб курилади. Кесим юзасининг хакикий катталиги проекция текисликларни алмаштириш усули билан курилган.



Расм 6.4

Кирралари горизонтал проекция текислигига параллел булган олтибурчакли призманинг фронтал проекцияловчи текислик билан кесишуви кесим юзасини куриш расм 6.5 да курсатилган. Бу холда хам кесим юзаси фронтал проекцияси кесишувчи текислик изи Р билан мос тушади. Призма кирралари текислик билан кесишув нукталари курилиб шу кеситм юзасининг колган проекциялари курилади. Кесим юзасининг хакикий катталиги жипслаштириш усули билан аниклангган (Расм 6.5).



Расм 6.5

6.4. Купёклиларнинг тугри чизик билан кесишуви.

Агар тугри чизик жисм сирти билан кесишса, шу тугри чизигга тегишли ва жисм сиртларига тегишли булган иккита кесишув нукталари хосил булади. Бу нукталарнинг бирини куриш нуктаси иккинчисини эса чикиш устаси дейилади.

Учбурчакли кесик пирамида ва АВ нукталардан утувчи тугри чизик берилган булсин бу тугри чизик пирамида билан кесишиб М ва N нукталарни хосил килсин дейлик (Расм 6.6)

Тугри чизикнинг бирор проекцияси оркали йрдамчи проекловчи текислик билан изларини утказамиз ва шу ёрдамчи проекцияловчи текислик билан пирамида кесишув юзасини курамиз. Расм 6.6 да тугри чизикнинг горизонтал проекцияси оркали горизонтал проекцияловчи текислик изи Р ни утказамиз.

Горизонтал проекцияловчи Р текислиги билан пирамида кесишув юзаси фронтал проекциясини С Д Е К ни курамиз.

Берилган А В тугри чизиги билан кесим юзаси С Д Е К ларнинг кесишган нукталари N ва М лар тугри чизикнинг пирамида билан кесишган нукталари булади.



Расм 6.6

Купеклилар билан тугри чизикнинг кесишув нукталарини куриш ёрдамчи проекцияловчи ёки хусусий холдаги бошка текисликлар утказиш ёрдамида бажарилади.

Уз-узини текшириш учун саволлар:

1. Проекция текисликларига нисбатан жисмнинг контури деб нимага айтилади?

2. Призматик сиртлар кандай берилади ?

3. Чизмада призманинг тасвирланиши белгилари нималардан иборат ?

4. Пирамида сирти кандай берилади ?

5. Кандай холатда пирамидани тасвирлаш учун иккита проекцияси етарли ?

6. Призма ёки пирамиданинг тугри чизик билан кесишиш нукталари канда й курилади ?

7. Призма ён кирраларига параллел текисликлар билан кесилганда кандай кесим юзалар хосил булади ?

8. Пирамида учи оркали утувчи текислик билан кесишганда кандай кесим юзалар хосил булади ?

7-Мавзу: АЙЛАНИШ СИРТЛАРИ.

Режа:

7.1 Айланиш сиртларининг хосил булиши.

7.2 Айланиш сиртларининг проекциялари ва улар сиртида нукта танлаш.

7.3 Айланиш сиртларининг текислик билан кесишуви.

7.4 Айланиш сиртлари тугри чизик билан кесишуви.

Адабиётлар: /1,2,3,4,5/.

Асосий тушунчалар: *айланиш сирти, йуналтирувчи, ясовчи, конуссимон сирт, айлана, оваллик, конус, цилиндр, шар, сфера, фазовий тасвир,ук, кесим, тугри сирт, кесим юза, кесишув нуктаси, нуктанинг сиртга тегишлилиги.*

7.1. Айланиш сиртларининг хосил булиши.

Айланиш уки атрофида бирор ясовчининг йуналтирувчи буйлаб айланишдан хосил булган сирт айланиш сирти дейилади.

Агар айланиш уки билан йуналтирувчи бир нуктада кесишса хосил булган сирт конуссимон сирт дейилади (Расм 7.1,а)



Расм 7.1

Агар ясовчи айланиш укига параллел айлантирилса хосил булган сирт цилиндрлик сирт дейилади (Расм 7.2,б)

Конус, цилиндр, шар ва торлар айланиш сирларидир.

Конус-тугри чизикли ясовчининг айланиш уки атрофида айлана йуналтирувчи буйича айланишда хосил булган сирт.

Цилиндр-тугри чизикли ясавчининг айланиш укига параллел айланишдан хосил булган сирт. Шар-айланани бирор симметрик уки атрофида айланиш натижасида хосил булган сирт.

Тор-айлананинг бирор айланиш уки атрофида айланишдан хосил булган сирт.

7.2. Айланиш сиртларининг проекциялари ва улар сиртида нукта танлаш.

Тугри цилиндрнинг ён сирти ясовчи тугри чизикнинг айланиш уки атрофида айланишдан хосил булиб, асослари эса айланалар билан чегараланган (доира) булади. Цилиндр пастки ва юкори асосларга эга булади.

Горизонтал проекция текислигида жойлашган тугри цилиндр проекциялари. Цилиндр сиртига тегишли А ва В нукталарнинг ёйилмаган горизонтал ва профил проецияларни куриш расм 7.2,а да курсатилган.

Цилиндр ва унинг сиртидаги нукталарнинг фазовий тасвирлари Расм-7.2,б да курсатилган.



Расм 7.2

Горизонтал проекция текислигига асоси билан етувчи тугри конуснинг горизонтал ва фронтал проекциялари Расм 7.3 да курсатилган.

Конус сиртига тегишли нукталарнинг етишмаган проекциларини куриш учун конус сиртидаги нуктадан утувчи ясовчи проекциялари курилади ва нуктанинг ясовчига тегишлилигидан фойдаланилади (Расм 7.3,а)

Агар нукта конуснинг четки ясовчиларига тегишли булса, унинг горизонтал проекциялари симметрия укларида жойлашган булади. Шунингдек конуснинг сиртидаги нукталарнинг етишмаган проекцияларини куришда кесувчи текислик усулидан хам фойдаланилади (Расм 7.4, б).

Конуснинг фазовий тасвири ва сиртига тегишли нукталари Расм 7.3,в да курсатилган.

7.3. Айланиш сиртларининг текислик билан кесишуви.

Тугри цилиндрнинг фронтал проекцияловчи текислик билан Р билан кесишув кесим юзасини куришни куриб чикайлик (Расм 7.4,а). Цилиндр сиртида бир неча ясовчилар проекцияларини курамиз. Бунинг учун цилиндр асосини горизонтал проекция текислигида тенг 12 булакка булиб, ясовчиларнинг фронтал проекцияларни курамиз. Чизмадан куринадика, Р текислик цилиндрнинг ён сирти билан биргаликда юкори асоси билан хам кесишади. Цилиндр укига бурчак остида кесувчи текислик уни эллипс куринишда кесади. Бу холда кесим юзаси эллипснинг бир кисми куринишда булади. Кесим юзасининг фронтал проекцияси текисликнинг фронтал изи Р билан мос келади, горизонтал проекцияси эса цилиндр горизонтал проекцияси мос келади. Кесим юзасининг профил проекцияси нукталарнинг проекцияларини топиб текис эгри чизик куринишда туташтирилади.

Кесим юзасининг хакикий катталиги проекция текисликларини алмаштириш усули билан курилган. Бунда янги проекция уки О,Х,Р изга параллел утказилган.

Масалани ечишни осонлаштириш максадида О Х,Р лар бир тугри чизикка мос келади ва янги Н проекция текислигига кесим юзаси проекцияси курилади. Бу роекция кесим юзаси Нга параллел булганлиги учун хакикий катталик билан проекцияланади (Расм 7.4,а)

Кесувчи текисликнинг тугри конус укига нисбатан жойлашувига караб хар хил куринишдаги кесим юзалари хосил булади. Асоси Н текислигига жойлашган тугри конуснинг фронтал проекцияловчи Р текислиги билан кесишув кесим юзасини

куриш. (Расм 7.5,а) да курсатилга. Кесим юзасининг фронтал проекцияси текисликнинг фронтал изи Р билан мос тушади.



Расм 7.4

Кесим юзасининг горизонтал проекцияси контурини куриш учун конус асосини тенг булакларга булиб ёрдамчи ясавчи чизиклар утказилади. Аввал контурга тегишли нукталарнинг фронтал проекциялари кейинчалик эса горизонтал проекциялари курилади ва бу нукталар лекало ёрдамида текис тушташтирилади.

Кесим юзасини контури нкталарнинг горизонтал ва фронтал проекцияларига асосан унинг профил проекцияси крилади.

Кесим юзасининг хакикий катталигини куриш проекция текисликларини алмаштириш усули билан аникланади (Расм 7.5).



Расм 7.5

7.4. Айланиш сиртларининг тугри чизик билан кесишуви.

Тугри цилиндрнинг АВ тугри чизик билан кесишув нукталарини курамиз (Расм 7.6,а)

Цилиндрнинг горизонтал проекцияси айлана булганлиги учун кесишув нукталарининг горизонтал проекциялари хам шу айлана билан тугри чизикнинг кесишув нукталари булади. Бу нукталарни N ва M деб белгилаймиз ва бу нукталардан богланиш чизиги чизиб A B билан кесишгунга кадар давом эттирамиз. Топилган N ва M нукталар тугри чизик билан цилиндрнинг кесишган нукталари булади.



Расм 7.6

Тугри конус сирти билан AB кесманинг кесишув нукталари проекцияларини куриш (Расм 7.6,б)да курсатилган. AB тугри чизик оркали ёрдамчи P текислик конус учи Sдан утадиган килиб утказилган. P текислик конусни Sh ва Sh ясовчилар буйича кесади. Sh ва Sh ясовчиларнинг A B билан кесишган нукталари AB тугри чизикнинг конус сирти билан кесишган нукталари M ва N лар булади. Бу нукталардан богланиш чизиклари утказиб кесишув нукталарнинг фронтал проекциялари M ва N ларни курамиз.

Уз-узини текшириш саволлари

1. Айланиш сиртларининг хосил булишини тушунтиринг.

2. Цилиндрни текислик билан кесилганда кандай чизиклар хосил булади ?

3. Конус сирти текислик билан кесишганда кандай чизиклар хосил булади?

4. Конус сиртни тугри чизик буйича утадиган килиб кесиш учун текисликни кандай утказиш мумкин ?

8-МАВЗУ: СИРТЛАРНИНГ УЗАРО КЕСИШУВИ.

Режа :

8.1 Купёклиларни узаро кесишуви.

8.2 Купёклилар билан айланиш сиртларининг кесишуви.

8.3 Айланиш сиртларинг узаро кесишуви.

Адабиётлар: /1 – 7, 10 - 13/.

Асосий тушунчалар: *ёрдамчи кесувчи текислик, бешбурчакли призма, горизанталь текислик, лекало чизиги, контур чизик, эксцентрик, сферик, биквадрат эгри чизик.*

8.1. Купёклиларни узаро кесишуви.

Жисмлар сиртларнинг узаро кесишувида хосил буладиган кесишув чизикларини куриш асосан ёрдамчи кесишув текисликлар утказиш усули билан бажарилади.

Берилган сиртларнинг кесувчи текисликлардаги алохида кесишув нукталари топилиб улар кетма-кет туташтирилиб кесишув чизиги курилади.

Иккита купеклининг узаро кесишувида кесишув чизиклари синик чизиклардан иборат булади.

Мисол тарикасида иккита призманинг кесишув чизигини куришни куриб чикайлик (Расм 8.1)

Кесишув чизигининг горизонтал проекцияси бешбурчакли призма горизонтал проекцияси билан, профил проекцияси еса туртбурчакли призма профил проецияси билан мос келади.

Кесишув чизигининг фронтал проекцияси эса бир призма кирраларининг иккинчи призма еклари билан кесишган нукталари топилиб курилади ва улар кетма-кет туташтирилади (Расм 8.1)



Расм 8.1

Туртбурчакли призманинг туртбурчакли пирамида билан кесишган чизиги бир купеклининг кирраларининг иккинчи купекли еклари билан кесишув нукталарини куриш билан бажарилади.(Расм 8.2) Кесишув чизиги фронтал проекцияси туртбурчакли призма фронтал проекцияси билан мос тушади.



Расм 8.2

8.2. Купёклилар билан айланиш сиртларининг кесишуви.

Горизонтал проекция текислигида асоси билан етувчи тугри цилиндр ва бешбурчакли призмаларининг кесишув чизигини куришни куриб чикайлик (Расм 8.3) Кесишув чизигининг фронтал проекцияси бешбурчакли призма фронтал проекцияси билан, горизонтал проекцияси эса цилиндрнинг горизонтал проекциясим билан мос тушади. 1,2,3,5 ва 5 нукталар призма кирраларининг цилиндр сирти билан кесишув нукталари курилиб, оралик нукталар эса ёрдамчи P,Q, R горизонтал текисликлар утказилиб курилади.



Расм 8.3

8.3. Айланиш сиртларининг узаро кесишуви.

Уклари узаро перпендикуляр булган иккита цилиндрнинг узаро кесишув чизигини куришни куриб чикайлик. Куриш чекка нукталар 1,4 ва 7 нукталарнинг барча проекцияларини топишдан бошланади. Оралик нукталарни топиш учун ёрдамчи кесувчи текисликлар утказиш усулидан фойдаланилади. Кесишув чизиги горизонтал проекцияси H текислигига цилиндр асоси билан мос тушади, профил проекцияси эса иккинчи цилиндрнинг профил проекцияси булган айлана асоси билан мос тушади, Фронтал проекцияда топилган нукталар лекало ёрдамида силлик туташтирилиб кесишув чизиги фронтал проекцияси курилади (Расм 8.4).

Расм 8.5 да тугри цилиндр билан тугри конусларнинг, расм 8.6 да эса тугри цилиндр ва кесик конусларнинг узаро кесишув чизикларини ёрдамчи кесувчи текисликлар утказиш усули билан куриш курсатилган.



Расм 8.4



Расм 8.5



Расм 8.6

Уз-узини текшириш учун саволлар

1. Бир жисмнинг иккинчиси билан кесишиши чизиги куриш умумий усули нималардан иборат ?

2. Сиртлар кесишув чизигининг кайси нукталари характерли нукталари дейилади ?

3. Сиртларнинг узаро кесишув чизигини куриш учун кандай ёрдамчи кесувчи текисликлар утказиш мумкин.

4.Уклари мос айланиш сиртлари узаро кандай чизиклар билан кесишади ?

5. Биквадрат эгри чизиги кандай эгри чизик ?

9-МАВЗУ: АКСОНОМЕТРИК ПРОЕКЦИЯЛАР.

Режа :

9.1 Умумий тушунчалар.
9.2 Диметрик проекциялар.
9.3 Айлананинг изометрик ва диметрик проекциялари.

Адабиётлар: /5, 7, 8, 13,14,15/.

Асосий тушунчалар: *аксонометрия,аксонометрия уки, тугри бурчак, кийшик бурчак, озометрия, диметрия, узгариш коэффициенти, эллипс,оваллик, вертикал.*

9.1. Умумий тушунчалар.

Ортогонал проекциялаш чизмаларда тасвирлар ясашнинг асосий услуби хисобланади. Лекин ортоганал проекциялашда чизмалар етарли даражада тулик якколликга эришилмайди. Чунки деталларнинг мураккаб шакллари уларни кушимча фазовий тассаввур килишни талаб килади. Бундай холларда аксонометрик тасвирлар кулланилади.

«Аксонометрия» сузи-грекча суз булиб, «аксон» - ук, «метрио»-улчаш, яъни уклар буйича улчаш демакдир.

Проекцияловчи нурларнинг йуколишига караб аксонометрик проекциялар икки турга булинади:

Тугри бурчакли ва кийшик бурчакли.

Агар проекцияловчи нурлар аксонометрик проекциялар текислигига перпендиуляр булса, бундай проекциялар тугри бурчакли аксонометрик проекциялар дейилади.

Тугри бурчакли аксонометрик проекцияларга изометрик ва демитрик проекциялар дейилади.

Агар проекцияловчи нурлар аксонометрик проекция текислигига 90 бурчакдан фаркли жойлашса кийшик бурчакли аксонометрик проекциялар дейилади. Кийшик бурчакли аксонометрик проекцияларга фронтал изометрик проекциялар киради.

Машинасозлик чизмачилигида асосан тугри бурсакли аксонометрик проекциялар кулланилганлиги учун бу усуллар билан танишиб чикамиз.

Аксономерия текислигининг вазиятига караб аксонометрик уклар буйича узгариш коэффицентлари ва улар орасидаги бурчаклар хар хил булади.

Агар учала аксонометрик уклар буйича узгариш коэффицентлари узаро тенг булса, бундай аксонометрик проекция изометрия дейилади.

Агар иккита ук буйича узгариш коэффицентлари узаро тенг булиб, учинчисидан фарк килса, бундай аксонометрик проекция диметрия дейилади.

Тугри бурчакли изометрик проекцияда аксонометрик уклар орасидаги бурчаклар 120 дан булиб, уклар буйича узгариш коэффицентлари бир хил Кх = Ку = Кz = 0,82 (Расм 9.1)



Расм 9.1

Координаталар оркали берилган А (40; 30; 50) нуктанинг Монж эпюрасидаги ва изометрик проекцияларни куриш расм 9.2 да келтирилган



Расм 9.2

9.2. Диметрик проекциялар.

Диметрик проекцияда Z уки вертикал холатда,х уки горизонталга нисбатан 7 бурчак остида, у уки эса горизонталга нисбатан 41 25 бурчак остида жойлашади. Х ва Z уклари буйича узгариш коэффицентлари бир хил, К=К 0,94, у уки буйича эса узгариш коэффициенти К= 0,47 (0,5) (Расм 9.3).



Расм 9.3

Координаталари оркали берилган А (40; 30; 20) нуктанинг Монж эпюрасида ва диаметрик проекцияни куриш расм 9.4 да келтирилган.



Расм 9.4

www.gmii.uz/e-lib

9.3. Айлананинг изометрик ва диметрик проекциялари.

Айлананинг аксонометрик проекциялари эллипс куринишда булади. Эллипснинг катта уки хар доим кичик укига перпендикуляр булади.

Агар айлана горизонтал проекция текислигига параллел булса, хосил буладиган эллипс катта уки горизонтал ва кичик уки унга перпендикуляр булади. Горизонтал проекция текислигига параллел айлананинг изометрик проекциясини куриш кетма-кетлиги Расм 9.5 да курсатилган.



Расм 9.5

Фронтал проекция текислигига параллел булган айлананинг катта уки а оу булади, кичик уки эса оу билан мос тушади ёки параллел жойлашади.

Профил проекция текислигига параллел булган айлананинг катта уки а ох булади, кичик уки эса ОХ уки билан мос тушади ёки параллел булади.

Айлананинг диаметрик проекцияларини куриш кетма-кетлиги расм 9.6да курсатилган.



Расм 9.6

Уз-узини текшириш учун саволлар:

1. Аксономерия нима ?
2. Изометрия нима ?
3. Диметрия нима ?
4. Айланани изометрик проекцияси кандай куринишда булади ?
5. Нуктани диметрик проекциялари кандай курилади ?
6.Тугри чизикнинг диметрик ва изометрик проекциялари кандай курилади?

Таянч атамалар:

1. Геометрик фигура – фазода жойлашган нукта, тугри чизик, эгри чизик, текислик ёки сиртлар.
2. Ортогонал проекциялаш – тугри бурчакли проекциялаш.
3. Овал – айлананинг фазода исталган бурчак остида куриниши.
4. Октант – узаро перпедикуляр учта проекция текисликларининг кесишувида хосил булган фазонинг саккиздан бир булаги.
5. Проекцияловчи тугри чизик ёки текислик – проекция текисликларидан бирортасига перпендикуляр булган тугри чизиклар ёки текисликлар.
6. Сатх чизиклари – проекция текисликларидан бирортасига параллел булган тугри чизиклар.
7. Сатх текисликлари проекция текисликларидан бирортасига параллел булган текисликлар.
8. Тугри чизикнинг излари – фазода берилган тугри чизикнинг
проекция текисликлари билан кесишган нуктаси.
9. Текисликнинг излари – берилган текисликнинг проекция текисликлари билан кесишган чизиклари.
10. Текисликнинг бош чизиклари – берилган текисликга тегишли ва проекция текисликларидан бирортасига параллел булган тугри чизиклар, хамда энг катта огма чизик.
11. Тавсифли нукталар – тасвирларнинг чеккаларини ифодаловчи нукталар.
12. Айкаш тугри чизиклар – фазода узаро кесишмайдиган тугри чизиклар.
13. Аксонометрия – фазовий укларда улчамлар буйича улчаб куйиш.
14. Изометрия – барча уклари буйича узгариш коэффициентлари бир хил булган аксонометрик проекция тури.
15. Диметрия – иккита уклар буйича узгариш коэффициентлари бир хил ва учунчи ук буйича фарк киладиган аксонометрик проекция тури.
16. Чорак – узаро перпендикуляр булган иккита проекция текисликларининг узаро кесишувидан хосил булган фазонинг турдан бир булаги.
17. Конгруент нукталар – бирор проекцияси мос тушсада фазода хар хил жойда жойлашган нукталар.
18. Утиш чизиги – иккита фазовий фигураларнинг кесишув эгри чизиги.
19. Эпюр – текис чизма.
20. Энг катта огма чизик – берилган текисликга тегишли ва проекция текисликлари билан хосил килган энг катта бурчакни курсатувчи чизиклар.

Адабиётлар.

1. Хорунов Р «Чизма геометрия курси», «Укитувчи» Тошкенти-1974
2. Киргизбоев Ю. «Чизма геометрия », «Укитувчи» Тошкенти-1976
3. Муродов Ш. Ва бошкалар. «Чизма геометрия курси», «Укитувчи» Тошкенти-1988
4. Хорухонов. , Акбаров А. «Чизма геометриядан масалалар ечиш методлари », «Укитувчи» Тошкенти-1985
5. Фролов С.А. «Начерталтельная гометрия», «Машиностроение» Москва-1978
6. Арусматов Х.А. «Сборник задач по начертатсльной геометрии», «Машгиз»-1969.
7. Гордон В.О., Семенцов- Огиевский М.А. «Курс начертательной геометрии» «Машиностроение» Москва-1988
8. Киргизбоев Ю. , Собитов Э., Рахмонов И ва бошкалар. «Машиносозлик чизмачилиги курси» Тошкент-1981
9. Боголюбов Р.К. Черчение «Машиностроение» Москва-1989.
10. Собитов Э. «Чизма геометрия киска курси», «Укитувчи» Тошкенти-1973.
11. Киргизбоев Ю. «Чизма геометрия масалалар туплами», «Укитувчи» Тошкенти-1976.
12. Бубенников А.В., Громов М.Я. «Начертательной геометрия» «Машиностроение» Москва-1973
13. Михайленко В.Е. Пономарев А.М «Инженерная графика» Киев -1985.
14. Левицский В.С. «Машиностроительное» Москва-1988
15. Мерзон Э.Д.«Машиностроительное» Москва-1987.

Мундарижа.

Кириш. ……..4
1. Проекциялаш усуллари. Нуктанинг ортоганал проекциялари ……..5
2. Тугри чизикнинг ортогонал проекциялари ……11
3. Текисликнинг ортоганал проекциялари……17
4. Тугри чизик ва текислик.Текисликларнинг узаро вазиятлари ……...22
5. Ортогонал проекцияларни кайта куриш усуллари ……...27
6 . Купёклилар ……..31
7 . Айланиш сиртлари……..35
8 . Сиртларнинг узаро кесишуви……39
9 . Аксонометрик проекциялар ……..43
10.Асосий атамалар ва тушунчалар ……..45
11. Адабиётлар……..48